



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ
(КОМПЛАЕНС) ТИЗИМИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА



ҚЎЛЛАНМА




ТОШКЕНТ-2021








ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ
(КОМПЛАЕНС) ТИЗИМИНИ
ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА

ҚЎЛЛАНМА



МУНДАРИЖА

| | | | |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|----------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Кириш..... | 6 | Коррупцияга қарши ички назорат тизимига оид қандай ички ҳужжатлар қабул қилиниши лозим? | 28 |
| Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими нима?..... | 8 | Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш стратегияси қайси зарурий элементларни ўз ичига олади?..... | 30 |
| Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими тарихи ва ривожланиш босқичлари..... | 9 | Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходими ким?..... | 32 |
| “Комплаенс-назорат” тизимининг халқаро принциплари..... | 11 | Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг асосий вазифалари нималардан иборат?..... | 34 |
| “Комплаенс-назорат” тизимининг қандай шакллари мавжуд?... | 13 | Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг ҳуқуқлари нималардан иборат?..... | 36 |
| Коррупцияга қарши ички назорат (комплаенс) тизимининг ҳуқуқий асослари..... | 14 | Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг мажбуриятлари нималардан иборат?..... | 38 |
| Коррупцияга қарши ички назорат тизими ташкилотларга нима беради?..... | 19 | Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига кадрларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ тавсиялар..... | 40 |
| Коррупцияга қарши ички назорат тизимини тартибга соладиган муносабатлар..... | 22 | ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши бошқарув тизими” халқаро стандарти сертификати нима?..... | 44 |
| Коррупцияга қарши ички назорат тизими нечта босқичда жорий этилади?..... | 23 | Илова..... | 48 |
| Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш жараёни нималардан иборат?..... | 26 | | |
| Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш бўйича ишчи гуруҳи таркибига кимлар кириши тавсия этилади?..... | 27 | | |

КИРИШ

Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати жамиятда адолат ва қонун устуворлигини олий даражага кўтариш, замонавий самарали давлат бошқарувини жорий этиш, давлат хизматида коррупциявий ҳолатларнинг ҳар қандай кўринишларига қатъий мурасасизлик маданиятини шакллантиришда юксак ғояларга таянмоқда. Аввало, ушбу ислохотларнинг туб замирида Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган **“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”** деган тамойилига мувофиқ барча имкониятлар халқимиз манфаатлари йўлида сафарбар этилиши устувор вазифа этиб белгиланмоқда.

Шу ўринда ислохотларнинг чинакам натижадорлигига эришиш мақсадида давлат ва жамиятнинг ҳар бир соҳасида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини изчил таъминлаб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ижобий ютуқларга эришган ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, коррупция кўринишларининг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқараётган **сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга асосий эътибор қаратилган** ва бу ўз самарасини берганини амалда кўриб турибмиз.

Халқаро тажрибада бу каби профилактик воситалардан бири коррупцияга қарши мувофиқлик **“комплаенс-назорат”** тизими деб ном олади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам ушбу иллатга қарши курашиш, уни олдини олиш, давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида коррупциявий омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар бошлангани сир эмас.

Бу ўринда Президентнинг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони асосан, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички идоравий назорат тизимини босқичма-босқич жорий этиш Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган мамлакатларда давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим профилактик воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши **“комплаенс-назорат”** тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши **“комплаенс-назорат”** тизимини ташкил этиш ҳамда унинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида Агентлик тузилмасида алоҳида **“Коррупциянинг олдини олиш ва “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармаси** ташкил этилган.

Коррупцияга қарши **“комплаенс-назорат”** тизимини жорий этишнинг биринчи босқичида 2020 йилдан бошлаб тажриба тариқасида **26 та** вазирлик ва идораларда йўлга қўйилди.

Шунингдек, Президентнинг 2021 йил 6 июлдаги **“Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-5177-сон Қарорига мувофиқ, **жорий йилнинг 1 октябридан** бошлаб, барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан вилоят ҳокимликларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди.

Маълумки, Агентлик томонидан коррупцияга қарши **“комплаенс-назорат”** тизимини жорий этиш бошланган вазирлик ва идоралардаги ҳолатни ўрганиш мобайнида қатор муаммо ва саволлар юзага келаётгани кузатилди.

Шунингдек, тизимни жорий этишда тушунмовчилик ва турли талқин этилиш ҳолатлари ҳам қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотларида ташкил этилаётган Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини тўғри ва самарали жорий этиш учун амалий қўлланма яратиш зарурияти пайдо бўлди.

Қўлингиздаги ушбу қўлланма айнан шу мақсадга йўналтирилган. Шунингдек, қўлланма коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларини жорий этишда юртимиздаги барча ташкилотлар учун ягона ва мувофиқ тизим яратилиши бўйича қатор тавсияларни ўз ичига олади.

Умид қиламизки, ушбу қўлланма барча давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларида фаолият юритадиган ходимлар учун амалий кўмакчи бўлади.

Фойдаланишга қулай бўлиши учун қўлланма имкон қадар содда тилда ёзишга ҳаракат қилинди, ҳаётий мисоллар ва уларнинг амалий ечими билан бойитилди. Шунингдек, мазкур тузилмани жорий этишда энг кўп бериладиган саволларга жавоблар ҳам ўрин олган бўлиб, уларда хорижий ва миллий асослар баён этилган.

Ушбу қўлланма ўз йўналишида ўзбек тилида чоп этилган илк тавсиявий методик қўлланма бўлиб, камчиликлардан ҳоли эмас. Ўқувчи ва соҳа мутахассисларининг қўлланмага оид фикр, мулоҳаза ва таклифларини миннатдорлик билан қабул қиламиз.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИ НИМА?

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган барча мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги замонавий бошқарув усулларига мувофиқ, самарали фаолият юритишни таъминловчи энг муҳим профилактик воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш ҳисобланади.

“Комплаенс”, “комплаенс-назорат” (**compliance control**) тушунчалари – розилик, мувофиқлик ва аниқ белгиланган қоида, стандарт ҳамда кўрсатмаларга мувофиқ фаолият юритиш деган маъноларни англатади.

Халқаро тажрибада “комплаенс-назорат” тизимининг бир неча шакллари мавжуд:



каби йўналишларда жорий этиладиган “комплаенс-назорат” ҳисобланади.

Илғор хорижий давлатлар тажрибасида кенг тарқалган шакллардан бири коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими ҳисобланади.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИ

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва хусусий сектор фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилишини таъминловчи, коррупция хавф хатарлари ва манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларга чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш каби қатор профилактик чораларни ўзида мужассам этган самарали тизимдир.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

“Комплаенс-назорат” тизими вужудга келишининг дастлабки асослари 1884 йилда Германияда “Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва суғурталаш Ассоциацияси”нинг (Accident Prevention & Insurance Association) ташкил этилиши билан боғлиқ.

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими эса расман АҚШда жорий этилган.

Ушбу тизим дастлаб, **1906 йилда** АҚШда озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолиятини назорат қилиш федерал хизматининг (**FDA, Food and Drug Administration**) ташкил этилиши натижасида вужудга келган.

Мамлакат иқтисодиётида иқтисодий хавфсизликни таъминлашга қаратилган компания ва корпорацияларнинг ташкил этилиши улар фаолиятида коррупцияга қарши профилактик чоралар жорий этишни заруриятга айлантди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунгача **Volkswagen, Daimler, Siemens** (Германия) **Odenbrecht, Petrobras** (Бразилия), **Samsung Group, Hyundai Motor Co.** (Корея Республикаси), **BAE Systems** (Буюк Британия), **Baker Hughes Inc, Panalpina World Transport** (АҚШ) ва бошқалар каби йирик компаниялар билан низоли вазиятларни юзага келиши улар фаолиятидаги коррупцияга қарши курашиш механизмларнинг мустақкам эмаслиги билан асосланади ва бу ўз даврида коррупцияга қарши мавжуд тизимни тубдан ислоҳ этишни тақозо қилди.

Бугунги кунда **100 дан ортиқ** мамлакатлардаги компанияларда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими жорий этилган.



ХУСУСАН АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия, Сингапур, Малайзия, Бразилия, Словения, Қозоғистон каби бир қатор хорижий давлатларда ушбу тизим коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги асосий профилактик чоралардан бири ҳисобланади.

Мазкур давлатларда “комплаенс-назорат” тизимининг жорий этилиши, ташкилотларнинг фаолият йўналишларига қараб мажбурий аҳамият касб этади.

Францияда 800 000 евродан ортиқ капиталга эга бўлган давлат корхоналарида “комплаенс-назорат” тизими жорий этилган бўлиши шарт.

Буюк Британиянинг 1 млрд. фунт стерлинг капитали бўлган 700 дан ортиқ давлат улушига эга корхоналарида ташкил этилган ушбу тизим турли коррупция хавфларидан ҳимоя қилувчи комплекс чоралар сифатида қўлланилмоқда.

Шунингдек, аксарият хорижий давлатларда “комплаенс-назорат” тизими алоҳида қонун ҳужжати билан тартибга солингани аҳамиятга моликдир.

МИСОЛ УЧУН, АҚШда “Хорижий коррупциявий амалиётлар тўғрисидаги Акт” (Foreign Corrupt Practices Act, 1977); “Сарбейнз-Оксли Акти” (Sarbanes-Oxley Act, 2002), “Додд-Франк Акти” (Dodd -Frank Act, 2010) номли қонун ҳужжатлари фикримиз исботи бўла олади.

Булар натижасида АҚШ бозорида иштирок этувчи ҳар қандай корпорация ва компаниялар ўз таркибида “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиши ва давлат хизматчиларининг ахлоқ кодексини қабул қилиши **шарт этиб белгиланди**.

Шунга мувофиқ, 2002 йилдан бошлаб, Нью-Йорк фонд биржасида (**New York Stock Exchange, NYSE**) иштирок этаётган хорижий давлатларнинг компанияларига ўзида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш мажбуриятлари юклатилди.

Словенияда мазкур хизмат фаолияти 2014 йил 26 апрелида қабул қилинган (“Словения давлат холдинги акти тўғрисида”ги) алоҳида қонун билан тартибга солинади.

Словения амалиётида “комплаенс-назорат” хизматининг жорий этилиши **давлат секторига кадрларни танлаш жараёнлари максимал шаффоф механизмлар** асосида ўтишига имкон берган ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришнинг мукамал тизими яратилган.

Қонуннинг ўзига ҳослиги шундаки, унда “комплаенс-назорат” хизматида кадрлар масаласига (**compliance officer**) тўхталиб ўтилган ҳамда компания ичидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабардор этишга қаратилган (**whistleblowing policy**) аниқ қоида ва тартиблар келтириб ўтилган.

“КОМПАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИНИНГ ХАЛҚАРО ПРИНЦИПЛАРИ

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда “комплаенс-назорат” тизимининг қуйидаги принципларига аҳамият қаратилади:



ШАХСИЙ НАМУНА (TONE AT THE TOP)

раҳбарият томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ва бунда жамоага шахсан намуна бўлиши



КОРРУПЦИЯГА НИСБАТАН МУРОСАСИЗЛИК (ZERO TOLERANCE TO CORRUPTION)

ҳодимларда коррупцияга нисбатан “0 (ноль)” даражадаги мурасасизлик маданиятини шакллантириш



ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК (OPENNESS AND TRANSPARENCY)

фаолиятда очиклик ва шаффофликни таъминлаш



ХАБАР БЕРИШ СИЁСАТИ (INTERNAL/EXTERNAL WHISTLEBLOWING POLICY)

қонун бузилиши, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тартиби



КОМПАЕНС ДАСТУРИ (COMPLIANCE PROGRAM)

коррупцияга қарши курашиш сиёсатини қамраб олувчи жараёнлар



КОМПАЕНС ХОДИМ (COMPLIANCE OFFICER)

ташкilotда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали юритиш учун жавобгар шахс



КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАҲОЛАШ (COMPLIANCE RISK ASSESSMENT)

фаолиятни турли коррупциявий хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш ва уларни баҳолаб борилишини мониторинг қилиш



САМАРАДОРЛИК ВА МАЛАКА ОШИРИШ (COMPETENCE AND TRAINING)

ходимларни коррупцияга қарши маданияти ва билимини мунтазам ошириб бориш мақсадида ўқитиш



ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ (MONITORING)

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизматининг самарали фаолият юритиб боришини мунтазам равишда баҳолаб, мониторинг қилиш



КОНТРАГЕНТ (DUE DILIGENCE)

учинчи томон шахсларнинг ишончилигини баҳолаш



“КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИНИНГ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАРИ МАВЖУД?

“Комплаенс-назорат” тизимини ўзида жорий этган хорижий давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Словения мисолида) тажрибаси ва халқаро компаниялар амалиёти асосида Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизматини 3 хил модель бўйича ажратиш мумкин:



“ихтисослашган Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизмати модели”да Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизматининг асосий вазифаси компаниянинг фаолияти ва коррупцияга қарши курашиш сиёсатини хорижий давлатлар ва ташқи бозор қонунларига мувофиқ ташкил этиш ҳамда компания ёки ташкилотнинг халқаро доирадаги имиджини оширишга қаратилган бўлади;



“мослашган Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизмати модели”да асосан компания ва ташкилотнинг ички тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсати амалга оширилади ва мунтазам равишда фаолиятни турли коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш каби ички профилактик чораларни татбиқ этишга қаратилган бўлади;



“аралаш Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” хизмати модели”нинг вазифаси компания ва ташкилотнинг миллий ва халқаро доирадаги нуфузини сақлаш, коррупция ҳолатлари содир этилишига қарши курашиш ва бу борадаги фаолиятни миллий қонунчилик ҳамда ўрнатилган қоидаларга мувофиқ ташкил этишдан иборатдир.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ (КОМПЛАЕНС) ТИЗИМИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Коррупцияга қарши курашишда алоҳида аҳамият касб этадиган “мувофиқлик тизими” (комплаенс) тушунчаси миллий қонунчилигимиздаги бир қатор ҳужжатларда акс этган.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни.

Мазкур қонунда илк маротаба қуйидаги тушунчаларга норматив таъриф берилди:

- ✓ **коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши;
- ✓ **манфаатлар тўқнашуви** — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;
- ✓ **коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

Коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимининг муҳим таркибий элементларидан бири бўлган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тартиби келтирилган.

Қонунда илк маротаба давлат хизматчиларининг коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш мажбурияти белгиланди.

Унга кўра, “давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳолатлар тўғрисида, **шунингдек**, давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир

этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт” (Қонуннинг 26-моддаси).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган.

“2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури”нинг 21-бандида:

- ✓ устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш мақсадида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” (compliance control) тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини мониторинг қилиш белгиланди.
- ✓ Ушбу ҳужжатда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими, биринчи маротаба айнан шу ном билан акс этди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги 72-Ф-сон Фармойиши.

Унга кўра, давлат ташкилотларида коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий этишнинг устувор вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- ✓ коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш;
- ✓ давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;
- ✓ ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солиш;



✓ идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш;

✓ коррупцияга қарши курашиш соҳасида умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини жорий этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 апрелдаги “Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4664-сон Қарори.

Унга асосан, 2020 йил 1 октябрга қадар нефть-газ тармоғидаги барча корхоналарда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими жорий этилишини таъминлаш вазифаси белгиланди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони.

Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги асосий вазифаларидан бири сифатида:

✓ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;

✓ 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”)ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўриш белгиланди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 27 июль куни ўтказилган йиғилишда топширилган вазифага мувофиқ, 2020 йил 4 сентябрь куни “Яширин иқтисодиёт ҳамда коррупцияга қарши мувофиқлик (“комплаенс-назорат”) тизими”ни жорий этиш юзасидан 26 та вазирлик ва идораларда “Йўл хариталари” тасдиқланди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони.

Унда, давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилганлиги қайд этилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарори.

Унга кўра, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида **коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари** фаолияти йўлга қўйилиши белгиланди.

Шунингдек, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари сифатида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун **масъул эканлиги белгиланди**.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш бўйича **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мажбурий тартибда** келишиш тартиби жорий этилди.

9. Агентлик томонидан ташкилотларда жорий қилинаётган коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асос ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг «Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган рўйхат рақами: 3319).

Ҳозирда, Ўзбекистон Республикаси **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ҳамда **Ҳисоб палатаси** томонидан **anticor.ijro.uz** электрон назорат тизими жорий этилган бўлиб, вазирлик ва идораларда коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизими самарадорлиги баҳолаб борилмоқда.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ТАШКИЛОТЛАРГА НИМА БЕРАДИ?

Ташкилотларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларини жорий этишдан мақсад:



ташкилот ва унинг тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни жорий этиш;



коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш;



коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш;



ташкилот тизими ходимларида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш;



ташкилот тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш;



коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар (халқаро ва миллий) ижросини таъминлаш ва ташкилотда коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини самарали ташкил этилишига қаратилган бошқа чораладан иборат.

САМАРАДОРЛИГИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда минимум даражага туширишга эришилади;

коррупциявий хавф-хатарлар юзага келиши мумкин бўлган соҳа-йўналишлар аниқланади ва уларни бартараф этишга қаратилган профилактик чоралар белгиланади;

ҳисобдорлик ва фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланади;

коррупцияга қарши курашишда ички идоравий назорат механизмлари кучайтирилади;

давлат хизматчилари томонидан хизмат вазифаларини бажаришда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик ҳолатларига барҳам берилади;

ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда ҳар қандай коррупциявий ҳолатлар, шу жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш масалалари тартибга солинади;

давлат харидлари соҳасида харид қилиш тартиб-таомилларига қатъий риоя этилишини таъминланади;



манфаатлар тўқнашувини олдини олишга оид аниқ чоралар жорий этилади;

қонун бузилиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, одоб-ахлоққа зид бўлган ҳатти-ҳаракатлар юзасидан хабар бериш тартибининг аниқ механизмлари яратилади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида кўнгилли хабар берувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимояси, шахсининг сир сақланиши, маълумотлар ошкор этилмаслиги таъминланади;

давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини турли санкциялар ва бошқа таъсирлардан тизимли ҳимоя қилишнинг комплекс механизмни яратиш ҳамда фаолият имиджини ижобий сақлаш таъминланади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида умумэтироф этилган халқаро стандартлар (ISO 37001 – “Коррупцияга қарши бошқарув менеждменти”, ISO 19600:2014 Compliance management systems) ва чет эл ижобий тажрибаларини жорий этиш имконияти яратилади;

мамлакатнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги шаффофлигини баҳолаш, инвестицион жозибдорлигини ошириш ва инвесторлар кириб келишини таъминлашга хизмат қилади.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ТАРТИБГА СОЛАДИГАН МУНОСАБАТЛАР

-  Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини ишлаб чиқиш;
-  Шаффоф давлат харидлари сиёсатини амалга ошириш ва назорат қилиш;
-  Бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва бюджет интизомига риоя қилишнинг комплекс механизмларини ишлаб чиқиш;
-  Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш;
-  Қонун бузилиши ва коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш тартиби;
-  Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби;
-  Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидалари;
-  Иш юзасидан совғалар бериш ва олиш тартиби ҳамда кўнгилочар тадбирларни ташкил этиш;
-  Номзодларни ишга қабул қилишнинг очиқ ва шаффоф тартиби;
-  Хизмат текширувларини ўтказиш тартиби;
-  Хизмат сири ва маълумотларининг конфиденциаллигини сақлаш тартиби;
-  Хайрия ва ҳомийлик ёрдами кўрсатиш тартиби.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ НЕЧТА БОСҚИЧДА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ?

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ 4 БОСҚИЧДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

1-босқич. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш:

1. Тизимнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ташкилий ва функционал тузилиши, унинг фаолият йўналишларини таҳлил қилиш;
2. Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатлар (**коррупцияга қарши сиёсати, одоб-ахлоқ кодекси, манфаатлар тўқнашуви ва б.**)ни таҳлил қилиш;
3. Коррупция хавфи юзага келиши мумкин бўлган соҳа-йўналишларни аниқлаш ва баҳолаш ҳамда уларга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;
4. Ҳар бир ходимга юклатилган функционал вазифалардан келиб чиқиб, коррупциявий хавф-хатарларга мойиллик даражасини аниқлаш ва уларни бартараф этишга доир ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўриш (ходимлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарлар рўйхатини тузиш);
5. Ушбу босқични яқунлаш ва натижаларини муҳокама қилиш.

2-босқич. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашишга оид чора-тадбирлар мажмуини ва ички идоравий назорат механизмларини ишлаб чиқиш:

1. Тизимнинг ички меъёрий ҳужжатларини коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш;

2. Ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш (**Одоб-ахлоқ кодекси, Коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва дастури, Комплаенс бўйича йўриқнома, Совға сиёсати ва б.**);
3. Ходимларни янги ички меъёрий ҳужжатлар билан таништириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;
4. Ходимларнинг юқори одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш муҳитини шакллантириш юзасидан ташкилий чоралар белгилаш;
5. Ходимларни коррупцияга қарши курашишга оид ўқитиш тартибини ишлаб чиқиш;
6. “Юқоридан паст”га тамойили асосида қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришнинг аниқ тартибини ишлаб чиқиш.



3-босқич. Ташкилотнинг коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш тартиби:

1. Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга оширувчи алоҳида штат бирликларига эга махсус таркибий тузилма (Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси)ни ташкил этиш;

2. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг мақоми, ваколат ва вазифалар доирасини бошқа таркибий тармоқлар билан муносабатлар доирасини ички ҳужжатлар билан аниқ белгилаш;
3. Мазкур хизматнинг ўз фаолиятини ташкил этишда тўла мустақиллигини таъминлаш ва фақат биринчи раҳбарга ҳисобдорлигини белгилаш;
4. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида зарур бўлган барча маълумотларга эга бўлиш ваколатини таъминлаш;
5. Ходимлар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотларни Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига мажбурий хабар бериш тартибини белгилаш;
6. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар аниқланганда, бундай ҳаракатни амалга оширган ёки ошираётган шахслар билан боғлиқ маълумотларни текшириш, агарда қонун бузилиш ҳолатлари аниқланганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартибини белгилаш;
7. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига аниқланган коррупция ҳолатлари ва юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарлар ҳақида мунтазам равишда биринчи раҳбарга ҳисобот тақдим этиш мажбуриятини белгилаш.

4-босқич. Ташкилотнинг коррупцияга қарши ички назорат тизими жорий этилишининг самарадорлигини баҳолаш.

1. Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини баҳолаш ва мониторингини юритишга оид методика ишлаб чиқиш;
2. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали амалга оширилиши юзасидан ҳар уч ойда камида бир мартаба биринчи раҳбарга ҳисобот тақдим этиб бориш;
3. Йил якунида муассаса жамоасига коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг натижадорлиги юзасидан умумий ҳисобот тақдим этиш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЖАРАЁНИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?



Ваколатли “ишчи гуруҳи”ни тузиш (**масъулларни белгилаш**);



Тизимдаги мавжуд коррупциявий ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳамда муаммоларини аниқлаш;



Соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини хатловдан ўтказиш;



Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий қилишга оид **ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш**;



Коррупцияга қарши курашишга оид **чора-тадбирларни белгилаш**;



Ташкилий-ҳуқуқий, молиявий масалаларни белгилаш;



Алоҳида штат бирликларига эга янги тузилма (**Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси**)ни ташкил этиш;



Соҳани коррупцияга қарши курашишга оид стандартлар бўйича сертификатлаш (**ISO 37001:2016 стандарти**)ни жорий этиш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ИШЧИ ГУРУҲИ ТАРКИБИГА КИМЛАР КИРИШИ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ?

Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш бўйича намунавий ишчи гуруҳ таркиби



* **ИЗОҲ:** Раҳбарият ташаббуси билан ишчи гуруҳ таркибида бошқа йўналишдаги мутахассислар ҳам иштирок этиши мумкин.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИГА ОИД ҚАНДАЙ ИЧКИ ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ?

Коррупцияга қарши ички назорат тизимини жорий этиш жараёнида қуйидаги ҳужжатлар қабул қилиниши лозим:

- ✓ Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услугабиёти.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома.



- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услугабиёти.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом.
- ✓ Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти.



* **ИЗОҲ:** Ҳар бир ташкилот, фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, юқорида кўрсатилган намунавий ҳужжатлардан ташқари, ички доирада фойдаланиш учун қўшимча янги ҳужжатлар ишлаб чиқиши мумкин.

ТАШКИЛОТНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СТРАТЕГИЯСИ ҚАЙСИ ЗАРУРИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛАДИ?

Бунда ташкилот томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус стратегия ишлаб чиқилади ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:



тизимда коррупциявий хавф-хатарлар юзага келиши мумкин бўлган соҳа-йўналишларни аниқ белгилаш (*масалан, кадрлар сиёсати, номзодларни ишга қабул қилиш, роқация, моддий рағбатлантириш масалалари, давлат харидларини ўтказиш, бюджет маблағларини сарф қилиш каби жараёнлар*);



кадрлар сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқиш (*ходимларни ишга қабул қилиш ва лавозимларга тайинлашда танловлар ўтказиш, бунда таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик ҳолатларига йўл қўймаслик*);



коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи махсус ваколатга эга бўлган алоҳида бўлинма ташкил этиш (*Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси*) ва уларнинг вазифа, мажбурият ва ваколат доирасини аниқ белгилаб олиш;



манфаатлар тўқнашуви ва унинг олдини олиш масалаларини тартибга солиш;



фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш (*ишга қабул қилиш жараёнлари, бюджет маблағларининг сарфланишига оид маълумотларни мунтазам равишда расмий сайтлар ва ижтимоий тармоқлар орқали жамоатчиликка етказиб бориш*);



тизимда қонун бузилиши ҳолатлари ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришнинг аниқ тартибини яратиш (*бунда коррупциявий ҳолатлар ҳақида хабар топган ходимнинг*

ҳаракати, мурожаат этиш тартиби ва унинг шахсини сир сақлаш кафолатларининг таъминланиши);



Совға, кўнгилочар дастурлар, меҳмондўстлик ва саёҳат сиёсати (*тизимда совға миқдори, уни қабул қилиш ёки тақдим этиш тартиби каби жараёнлар аниқ тартибга солиниши*);



давлат харидлари соҳасида харид қилиш тартиб-таомилларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;



тизимда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини мониторинг қилиб бориш (*камида ҳар 3 ойда*);



ташкилот ва муассаса раҳбарининг коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олишда шахсий намуна ва ташаббус кўрсатишини таъминлаш.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИ ХОДИМИ КИМ?

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасини ташкил этишдаги асосий омил кадрлар масаласидир. Халқаро тажрибада мазкур фаолиятни амалга оширувчи мутахассис “комплаенс ходим” (**compliance officer**) деб юритилади.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИ ХОДИМИ

ташкilotда ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этилиши, хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувининг юзага келишини олдини олиш устидан назоратни амалга оширувчи ҳамда ташкilotда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш сиёсатини юритиш учун масъул бўлган ходим.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;
2. Ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;
3. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;
4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш.

Шунингдек, Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг қўшимча вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланиши тавсия этилади:

5. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаб бориш ва уларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чораларни ишлаб чиқиш йўли билан фаолиятни коррупциядан ҳоли этишга қаратилган тизимни йўлга қўйиш.
6. Ташкилот ходимларининг коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари ва ички одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ ҳаракат қилишини назорат қилиш;
7. Фаолиятни тўлиқ коррупцияга қарши қонунчиликка мувофиқ ташкил этиш ва идоравий ҳалолликни таъминлаш чораларини кўриш;
8. Ташкилот фаолиятининг очиқ, шаффоф ҳамда давлат ва жамият олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш;
9. Ташкилот тизимида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида коррупция хавф-хатари юқори бўлган соҳа-йўналишларни таҳлил қилиб бориш;



10. Коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат идоралари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш;
11. Тизимда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;
12. Соҳадаги коррупцияга оид мурожаатларнинг мониторингини юритиш;
13. Тизимли равишда коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш;
14. Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш менеджмент тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;
15. Ходимларда коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ҳуқуқий билиминини ошириш мақсадида ўқув курсларини ташкил этиш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг ҳуқуқлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Ташкилот ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;
2. Хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида ташкилот ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;
3. Ташкилот тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;
4. Раҳбар топшириғи ёки кузатув кенгаши қарори асосида мавжуд коррупциявий ҳолатлар юзасидан ходимлардан тушунтириш талаб қилиш;



5. Коррупцияга мойил бўлган ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича раҳбар ёки кузатув кенгашига таклиф киритиш;
6. Ташкилот раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;
7. Ўз фаолияти доирасида ташкилот тизимига ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;
8. Ташкилотнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;
9. Ташкилот томонидан ташкил этиладиган турли танлов комиссияларида (ишга қабул қилиш, давлат харидлари ва бошқа) кузатувчи ёки аъзо сифатида иштирок этиш.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасининг мажбуриятлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;
2. Қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;
3. Ташкилот тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хабардор этиши шарт;
4. Ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан ташкилот раҳбариятига маълумотномалар киритиш;
5. Ҳар чорақда, кейинги чорақ биринчи ойининг биринчи ўн кунлигида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги чорақлик ҳисоботни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим этиш;
6. Коррупциявий ҳолатлар юзасидан ўтказилган хизмат текширувлар натижасида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга белгиланган тартибда хабар бериш;
7. Коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш ва “лавозимлар харитаси”ни яратиш ҳамда доимий мониторингини олиб бориш;
8. Давлат харидларида коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга оид чоралар кўриш;
9. Коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган соҳаларни таҳлил қилиш ва профилактик чораларни жорий этиш;



10. Жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш
11. Ташкилотга оид очиқ маълумотларни расмий сайт, ОАВ ва жамоатчиликка тақдим этилиши устидан назорат ўрнатиш;
12. Ҳар ярим йилликда ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига киритиб бориши лозим.



* **ИЗОҲ:** Назорат тузилмалари фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАСИГА КАДРЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАВСИЯЛАР

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмасига малакали кадрларни ишга қабул қилишга оид тавсиялар:

Биринчи навбатда, ушбу соҳага ишга қабул қилинаётган кадрлар коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий иш тажрибасига эга ва юклатилган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир бўлган шахслар орасидан тўлдирилиши тавсия этилади.

*** ИЗОҲ:** ишга кирувчи номзодлар учун халқаро стандартларга мувофиқ, танлов асосида, иш берувчи томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

1. Маълумотига оид талаблар:

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ходимларининг таркиби қоида тариқасида олий маълумотга эга бўлган ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган юқори малакали мутахассислар орасидан тўлдирилади;

Коррупцияга оид амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича етарли билимга эга бўлиш.

2. Мутахассислиги бўйича маълумоти ва иш тажрибаси:

Мазкур лавозимга, биринчи навбатда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий иш тажрибасига эга бўлган, **юриспруденция, иқтисодиёт, молия, солиқ, аудит, ахборот-коммуникация технологиялари, менеджментлик** ва зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича камида **3 йил иш тажрибасига** эга бўлган юқори малакали, профессионал билимга эга мутахассислар орасидан ишга қабул қилиниши тавсия этилади.

3. Зарурий билим ва кўникмалар:

- ✓ коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий иш тажрибасига эга бўлган, коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиш;
- ✓ коррупцияга қарши курашиш бўйича мавжуд миллий қонунчилик, хорижий тажриба ҳамда халқаро стандартлардан хабардор бўлиш;
- ✓ коррупцияга қарши курашиш соҳасини ва “комплаенс-назорат” тизимини тартибга солишга қаратилган миллий қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу соҳадаги халқаро стандартлар (**Foreign Corrupt Practices Act, Sarbanes-Oxley Act, Dodd-Frank Act, “UK Bribery Act”** ва бошқа) юзасидан назарий-амалий билим ва кўникмаларга эга бўлиш.



4. Бошқа қўшимча шартлар:

- ✓ махфий ҳужжатлар билан ишлаш учун рухсатномага эга эканлиги ёки келажакда мазкур рухсатнома расмийлаштирилишига тўсқинлик қилувчи салбий ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги;
- ✓ тезкор маълумотларни олиш ва улар бўйича ишлашни ташкил қила олиш кўникмасига эга эканлиги;
- ✓ ҳар бир соҳа-йўналишларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш чораларини ишлаб чиқиш қобилиятига эга бўлиши;
- ✓ номзод мазкур соҳада камида 3 йил меҳнат фаолияти ва етарли тажрибага эга бўлиши;
- ✓ унга нисбатан коррупцияга оид жиноятлар юзасидан судланганлик ҳолатининг мавжуд эмаслиги;
- ✓ коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш мақсадида, номзоднинг молиявий қарздорлиги ёки моддий мажбуриятларга эга бўлмаслиги;
- ✓ ҳар қандай ҳолатда ҳам коррупциявий хавф-хатарларни енгга олишига ўзини ишонтира билиши (due diligence) лозим бўлади.

5. Малакали ходимларни тайёрлаш ва уларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида назарий ҳамда амалий кўникмаларни шакллантириш.

Бунда:

- ✓ ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича мажбуриятларни қайд этиш;
- ✓ барча ходимларни коррупцияга қарши сиёсат ва ташкилий тизим фаолияти билан таништириш;
- ✓ ходимларни босқичма-босқич коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш ва малака ошириш тартибини ишлаб чиқиш;
- ✓ коррупцияга қарши сиёсат ёки тизим талабларини бузган ходимларга тегишли жазо чоралари муқаррарлигини таъминлаш;
- ✓ ходимларнинг коррупцияга қарши ички назорат тизимига оид сиёсати ва ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиққанлиги даражасини аниқлаш юзасидан мониторинг ва таҳлил, баҳолаш ишларини олиб бориш.



ISO 37001:2016 "КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ" ХАЛҚАРО СТАНДАРТИ СЕРТИФИКАТИ НИМА?

Сир эмаски, ташкилот раҳбари ундаги ҳар бир ходим ва унинг фаолиятини назорат қила олмайди. Бунинг учун самарали тизим керак. Бунда, **ISO 37001:2016 "Коррупцияга қарши бошқарув тизими" (Anti-bribery management systems)** ташкилотга у қайси мамлакатда фаолият кўрсатишидан қатъий назар, коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқишда, жорий этишда ва такомиллаштиришда ёрдам беради.

ISO 37001:2016 "Коррупцияга қарши бошқарув тизими" – ташкилотларда (давлат, хусусий ёки нотижорат ташкилот ва ҳоказо) коррупцияга қарши курашишнинг самарали ва профилактик тизимини яратишнинг халқаро усулларини ўзида мужассам этган, коррупцияга қарши мукамал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти фаолиятда коррупциявий ҳолатларни юзага келтириши мумкин бўлган қуйидаги йўналишларга нисбатан қўлланилади:

- ✓ давлат, хусусий ва нотижорат секторларида пора олиш;
- ✓ ташкилотлар томонидан пора олиш;
- ✓ ташкилот номидан ёки унинг фойдасига ишлайдиган ходимлар томонидан пора олиш;
- ✓ ташкилот номидан ёки унинг фойдасига иш олиб борадиган ҳамкорлари томонидан пора олиш;
- ✓ ташкилотга пора бериш;
- ✓ ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ ташкилот ходимларга пора бериш;
- ✓ ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамкорларига пора бериш;
- ✓ тўғридан-тўғри ёки кимдир орқали (масалан, учинчи шахс томонидан тақдим этилган ёки қабул қилинган пора) пора бериш каби ҳолатлар.

ISO 37001:2016 халқаро стандарти бўйича ташкилотни сертификатлаш учун коррупцияга қарши бошқарув тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, жорий қилинган тизимнинг стандарт талабларига мувофиқлигини мустақил аудит ўтказиш орқали тасдиқлаш лозим бўлади.

Мазкур халқаро стандарт ташкилотдан бир қатор тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Хусусан:

- ✓ коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш;
- ✓ коррупцияга қарши тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш учун масъулларни тайинлаш;
- ✓ ходимларни коррупцияга қарши билимини ошириш ва ўқитиш;
- ✓ коррупция хавфларини баҳолашни ўтказиш;
- ✓ молиявий ва тижорат назоратини олиб бориш, ҳисоботлар юритиш ва бошқалар.

Шунингдек, **Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси томонидан ташкилот ходимларига қуйидагиларни ўз ичига оладиган тартиб-таомилларни жорий этиши керак:**

- ✓ ишга қабул қилишдан, бошқа лавозимга ўтказиш ёки юқори лавозимга кўтаришдан олдин ҳар бир номзодни комплекс текширувдан ўтказиш, уларни ишга қабул қилиш ва бошқа лавозимга ўтказишнинг асослилигини текшириш;
- ✓ меҳнатга ҳақ тўлашни барча турдаги рағбатлантирувчи элементларини (**имтиёзлар, мақсадли кўрсаткичлар ва бошқа**) уларни қўллашда коррупциянинг олдини олиш учун етарли ҳимоя чоралари кўрилганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида даврий таҳлил қилиб бориш;
- ✓ ходимлар, юқори раҳбарият ва бошқарув органи ўзларининг коррупцияга қарши сиёсатига мувофиқлигини тасдиқлаш учун вақти вақти билан декларацияни тўлдириш;
- ✓ коррупциявий хавф-хатарларни юзага келтирувчи муносабатлар, жумладан, совғалар, миннатдорчилик рамзлари,
- ✓ хайр-эҳсон ва шунга ўхшаш рағбатлантириш турларини таклиф қилиш, бериш ёки қабул қилишнинг аниқ тартиб-таомиллари жорий қилиниши лозим.

Дастлаб, ушбу стандарт **Малайзия ҳукумати** томонидан жорий қилинган бўлиб, ҳам давлат секторида, ҳам хусусий секторда ижобий натижа берган. **Сингапур ва Хитойда** давлат секторида, **Индонезия ва Таиландда** хусусий секторда ISO 37001:2016 стандартдан фойдаланилади.

Дунёнинг энг йирик компанияларидан бўлган **Microsoft** ҳам ISO 37001:2016 халқаро стандарти бўйича сертификатга эга.


МАЪЛУМОТ УЧУН!

Ўзбекистон Республикаси **Адлия вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, "Ўзбекнефтегаз" АЖ, Товар-хом ашё биржаси** АЖ, **Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ** каби ташкилотлар "Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими" бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификатига эга бўлди.

Шунингдек, бир қатор давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ушбу халқаро сертификатни қўлга киритиш мақсадида ўз фаолиятида коррупцияга қарши мувофиқлик стандартларини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.



SERTIFIKAT



«CERT INTERNATIONAL» s.r.o. sertifikatlashtirish organi quyidagi tashkilotning korrupsiyaga qarshi boshqaruv tizimini sertifikatlashtirish tartib-qoidalariga muvofiq o'tkazilgan auditorlik tekshiruvi natijalariga ko'ra quyidagilarni tasdiqlaydi:

quyidagi sohada:



ISO 37001:2016

standart talablariga muvofiq deb topildi

Sertifikat №: ABMS-XXXX/A
 Buyurtma №: XXXX/01
 Berilgan sana: KK.OO.ЙЙЙЙ
 Amal qilish muddati: KK.OO.ЙЙЙЙ
 (yillik nazorat auditini o'tish sharti bilan)

KK.OO.ЙЙЙЙ

ҚММБ: 10/21/3319/0856-сон
08.09.2021 й.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
RO'YXAT RAQAMI: 3319
2021 - yil 08 - sentabr

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI KORRUPTSIYAGA
QARSHI KURASHISH AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG'I**

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги
намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ–5177-сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор



Бурханов А. Э.

Тошкент ш.
2021 йил 06 сентябрь,
27 сон

Келишилди:

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси



Рафиков К.М.

Тошкент ш.
2021 йил 26 август,

Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири



Хусанов Н. Б.

Тошкент ш.
2021 йил 25 август,

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга
қарши курашиш агентлиги
директорининг
2021 йил 6 сентябрдаги
27-сон буйруғига
ИЛОВА

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИ
ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ**

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Ушбу Намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ–5177-сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг (бундан буён матнда Назорат тузилмалари деб юритилади) мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низомда давлат органлари ва ташкилотлари деганда – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) тушунилади.

2. Назорат тузилмалари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ўзлари фаолият юритаётган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарининг қарорлари, буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Намунавий низомга амал қилади.

3. Назорат тузилмалари ўз ташкилотларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

2-боб. Давлат органлари ва ташкилотларининг назорат тузилмаларини ташкил этиш

4. Назорат тузилмалари ўз фаолиятида бевосита ташкилотнинг биринчи раҳбарига (кузатув кенгашига) бўйсунди.

5. Назорат тузилмалари раҳбарлари ташкилот томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади.

6. Назорат тузилмалари раҳбарларини лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилади.

Бунда, ташкилот томонидан Агентликка ташкилот раҳбарининг Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси берилади.

Ушбу тақдимномада ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари кўрсатилади. Тақдимномага ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари ва мотивларини тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ходимнинг аризаси, ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар) илова қилинади.

7. Агентлик томонидан Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш сабаблари, мотивлари етарли эмас деб ҳисобланса, шу жумладан Назорат тузилмаси раҳбари таъқиб қилинаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлса, ушбу масалада Назорат тузилмасининг раҳбари билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

8. Қуйидагилар Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этишни келишишни рад этиш учун асос бўлади:

Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этиш учун сабаблар етарли эмас деб топилганда;

Назорат тузилмаси раҳбарининг зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятлар доирасидан ташқари вазифаларни бажармаганлиги ёки ўзига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажарганлиги учун таъқиб қилинганлиги ҳолати аниқланганда.

9. Тақдим этилган ҳужжатлар Агентлик томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилиб, тегишли ташкилотга Назорат тузилмаси раҳбарини лавозимидан озод этишни келишиш ёки келишишнинг рад этилганлиги сабаблари кўрсатилган хат тақдим этилади.

3-боб. Назорат тузилмаларининг асосий мақсади, вазифа ва функциялари

10. Назорат тузилмаларининг асосий мақсади ташкилотда, шунингдек, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида (бундан буён матнда ташкилот тизими деб юритилади) коррупцияга қарши кураш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, ташкилот тизими ходимларида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ташкилот тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

11. Қуйидагилар Назорат тузилмаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорликни олиб бориш.

12. Назорат тузилмалари ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш соҳасида:

ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун ташкилот раҳбарига киритади;

ташкилотнинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ташкилот томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини ташкилот тизимида коррупцияга қарши курашиш сиёсатида мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назардан баҳолайди ва хулосалар беради;

ташкилотда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни Агентликка киритиб боради.

б) ташкилотда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида:

ташкилотда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва ташкилотда коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

ташкилот томонидан ўхшаш ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат ҳокимиятининг бошқа органларида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари ҳақида маълумот тўплайди;

махсус ахборот алоқа каналлари орқали ташкилот ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган муурожаатларни таҳлил қилади ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди;

ташкилотда юритиладиган хизмат текширувлари реестри ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қилади;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва ташкилот билан шартномавий муносабатларга (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсларнинг ишончилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

ташкилот ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган махсус ахборот алоқа каналларининг фаолият натижаларини таҳлил қилади ва таҳлилий материалларни ташкилот ходимларига етказиши;

ташкилот фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказиши;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қилади;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида ташкилотда коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилади;

ҳар чоракда ва ташкилот раҳбари талабига кўра ташкилотда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида ташкилот биринчи раҳбарига маълумот киритиб боради;

в) ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида ташкилотга юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қилади ва назоратини амалга оширади;

ташкilot тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO37001:2016 Коррупцияга қарши халқаро стандарти талабларига мослигини таъминлайди;

ташкilot ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқишда иштирок этади;

ташкilot ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқади;

ўқув режага мувофиқ ташкilotнинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилишини ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат қилади;

ташкilot тизими ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

ташкilotнинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларидаги саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб борилишини таъминлайди;

ташкilot тизимидаги ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва ташкilotнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилади;

ташкilot тизимидаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унда иштирок этади;

одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва мақбуллигини текширади;

амалга оширилган мониторинг, хизмат текширувлари ва назорат тадбирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

ташкilot тизимидаги коррупцияга қарши курашишга масъул тузилма(шахс)лар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича

ишларни ташкил этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

ташкilot фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текширувлар ўтказилади;

г) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкilotлари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқишида иштирок этади;

қонунчилик ҳужжатлари билан ташкilot зиммасига юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юборади ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

ташкilotнинг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш юзасидан хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

коррупциявий хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилади.

Назорат тузилмаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

13. Назорат тузилмаларига ва уларнинг ходимларига ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

4-боб. Назорат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

14. Назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзи фаолият юритаётган ташкилот ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида ташкилот ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

ташкилот тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

ташкилот раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз фаолияти доирасида ташкилот тизимига ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

ташкилотнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;

текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш.

Назорат тузилмалари қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Назорат тузилмалари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги мажбуриятларга эга:

ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

ташкилот тизимида жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри юқори турувчи орган, Агентлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

ташкилотнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан ташкилот раҳбариятига маълумотномалар киритиш;

ҳар чорақда, кейинги чорақ биринчи ойининг биринчи ўн кунлигида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чора-тадбирлар тўғрисидаги чорақлик ҳисоботни Агентликка тақдим этиш;

Назорат тузилмалари ходими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Назорат тузилмалари ходимлари коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритувчи ходимларга мўлжалланган ўқув курслари ёки махсус семинар-тренингларида иштирок этади. Ўқув курслари ёки махсус семинар-тренинглари ташкилот ёхуд Агентлик томонидан ташкил этилиши мумкин.

17. Назорат тузилмаси фаолиятининг натижадорлиги ташкилотда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлик ва мақсадли кўрсаткичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади.

Назорат тузилмалари фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари ташкилотнинг биринчи раҳбари томонидан тасдиқланади.

Назорат тузилмаси фаолияти самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

18. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор деб топилган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

19. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

МАЗКУР ҚЎЛЛАНМАНИ ЯРАТИШДА ҚЎЙИДАГИ ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ МАНБАЛАРДАН ФЙДАЛАНИЛДИ:

1. "ISO 37001 - Anti-bribery management systems"//[Электрон манба].
URL: <https://www.iso.org/ru/standard/62342.html>;
2. "ISO 19600:2014 Compliance management systems-Guidelines"//
[Электрон манба].
URL: <https://www.iso.org/ru/standard/62342>;
3. Good Practice Guidance on Internal Controls, Ethics and Compliance.
[Электрон манба].
URL: <http://www.oecd.org.pdf>;
4. Foreign Corrupt Practices Act 1977 // PL 95 - 213, Title 1; 91 Stat 1494,
Dec 19, 1977// [Электрон манба].
URL: <https://www.govinfo.gov/content/pkg/statute-91/pdf/statute-91-pg1494>;
5. Sarbanes-Oxley Act of 2002. Corporate responsibility.//Public law 107.
4-july 30, 2002// [Электрон манба].
URL: <https://www.sec.gov/html#sox2002>.
6. Базельский комитет по банковскому надзору//Руководство
Принципы корпоративного управления для банков// [Электрон
манба].
URL: https://www.cbr.ru/Content/Document/File/36687/Basel_cgpb.pdf;
7. UK Bribery Act of 2010// [Электрон манба].
URL: <http://www.legislation.gov.uk>;
8. Adequate Procedures – Guidance to the UK Bribery Act 2010 //
[Электрон манба].
URL: <https://www.transparency.org.uk>;
9. Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance,
sanction compliance and asset tracing– М.: Infotropic media, 2019 – P.36.
[Электрон манба].
URL: <https://shop.infotropic.ru>.

Миллий қонунчилик манбалари:

1. Ўзбекистон Республикасининг 03.01.2017 йилдаги "Коррупцияга
қарши курашиш тўғрисида"ги ЎРҚ-419-сонли Қонуни//
[Электрон манба].
URL: <https://lex.uz/docs/3088008>;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.05.2019 йилдаги
"Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги
ПФ-5729-сонли Фармони // [Электрон манба].
URL: <https://lex.uz/docs/4355387>;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги
"Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини
такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги
ПФ-6013-сонли Фармони//[Электрон манба].
URL: <https://lex.uz/pdfs/4875784>;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги
"Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини
яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни
кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш
чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6257-сон Фармони
URL: <https://lex.uz/docs/5495529>;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 06 июлдаги
"Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга
доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5177-сон Қарори
URL: <https://lex.uz/docs/5495533>;
6. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги
директорининг 27-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Коррупцияга
қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги намунавий
низом» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2021 йил 8 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3319).
URL: <https://lex.uz/ru/docs/5621185>.

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ (КОМПЛАЕНС)
ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА**

ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги,
2021.-64 б.

ТУЗУВЧИЛАР:

**А. Бурханов,
Т. Хайдаров, З.Қодиров, С.Маманов**

Экспертлик кўмаги: Н.Зикриллаева

_____ХК босмахонасида чоп этилди.

© Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги,
2021 й.

**Биз билан боғланиш:
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги**

100070, Тошкент ш., Ш.Руставели кўчаси, 8А, (71) 202-04-02 (232).

 Тел.:
(71) 202-04-02 (232).

 Электрон почта:
info@anticorruption.uz



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

 KONRAD
ADENAUER
STIFTUNG

**Мазкур нашр Конрад Аденауэр жамғармасининг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида чоп этилди.**